

Маккажўхори крахмалининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ

Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлар маркази томонидан ТИФ ТН коди 1108120000 остидаги **маккажўхори крахмали** товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

I. Маккажўхори крахмалининг импорт ва экспорт ҳолати.

Ҳисобот даврида **49 та** корхона томонидан **9 та** давлатдан қиймати **11,8 млн АҚШ доллари**га тенг бўлган **23,5 минг тн** маккажўхори крахмали **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **55 фоизи** – **Россия**, **43 фоизи** – **Қозоғистон**, **2 фоизи** эса бошқа **7 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импорт асосида олиб келинган маккажўхори крахмалининг **ўртача нархи 1 тн** учун **503 доллар**га тўғри келган.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **84 фоизи** тўғри келган.

2023 йилда **7 та** корхона томонидан **3 та** мамлакатга қиймати **85,3 минг АҚШ доллари**га тенг бўлган **138,3 тн** маккажўхори крахмали **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган маҳсулотларнинг асосий қисми Тожикистон (99 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Экспорт қилинган мазкур маҳсулотнинг **ўртача нархи 1 тн** учун **617 доллар**га тўғри келган.

II. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси.

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 1108120000 остидаги маккажўхори крахмалининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.

2023 йил давомида **3 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қиймати **16,6 млрд сўмлик 2,3 минг тн маккажўхори крахмали** ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида маккажўхори крахмалининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси 2023 йилда **9 фоиз**ни ташкил этганлиги аниқланди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.

Республикада ишлаб чиқарилган маккажўхори крахмал воситаларнинг ўртача нархи **1 тн** учун **7,2 млн сўмга** (2023 йил ҳолатига 612 АҚШ долл.) тўғри келган.

III. Ички бозордаги рақобат ҳолати.

Таҳлиллар доирасида маккажўхори крахмали ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) орқали баҳоланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** индекси ҳисобланганда, индекс натижаси **9 881 пунктга** тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити ривожланмаганлиги** аниқланди.

*Маълумот учун: **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, **ННІ** кўрсаткичи **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **рақобат муҳити ривожланмаган** ҳисобланади.*

IV. Хулоса.

ТИФ ТН коди 1108120000 остидаги маккажўхори крахмалининг тўйинганлик даражаси фақатгина **9 фоиз**ни ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича **янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**